Қуйида келтириладиган фикрлар, ҳикматлар ижтимоий тармоқлардаги турли саҳифалардан олиб таржима қилинган. Бундан ташқари саҳобаи киромлар, улуғ олимлар, Яқин Шарқ, Осиё, Европа ва Америка мутафаккирларининг бир қатор фикрлари ҳам берилган.

*****

Аллоҳ таоло йўқотган нарсангнинг ўрнига бошқасини беради.

Аллоҳ таоло сени Ўз фазлида билан бой қилади.

Аллоҳ таоло сенинг синган қалбингни тузатади.

Сенинг заифлигингни, ҳожатингни, тадбиринг озлигини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат Унга суян, Ундан ёрдам сўра!

*“Фикр дурдоналари”*

*****

Барчамизнинг бошимизда айблардан иборат юкларимиз бор. Агар Аллоҳ таолонинг беркитиши бўлмаганда эди хижолатдан бўйинларимиз синиб кетган бўларди.

*“Фикр дурдоналари”*

*****

Поябзалим йўқлиги учун йиғлаётган эдим, икки оёғи йўқ одамни кўриб, йиғидан тўхтадим. Менга иккита оёқ берган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

*“Фикр дурдоналари”*

*****

[ SAVIYA.UZ ]. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Сайтдан маълумот олинганда ёки бошқа сайтларга жойлаштирилганда сайт номи ҳаволаси билан кўрсатилиши шарт!

Ер юзида қанчадан қанча биров танимайдиган кишилар бор. Улар самода машҳурдирлар. Меъёр тақвodaдир, куч-қувватда эмас.

*“Фикр дурдоналари”*

*****

Оламни ўзгартиришга уринардим. Аммо ҳозир бир ҳикмат мени қуршаб олди. Энди ўзимни ўзгартиришга уринаман.

*Жалолиддин Румий раҳимаҳуллоҳ*

*****

Ғазабланиб турганингда, гапирма. Гоҳида (бундай пайтда) сўзинг тўғри бўлиши мумкин, лекин услубинг хато бўлади.

*“Тарих муҳрлаган сўзлар”*

*****

Агар бўрилар билан юзма-юз келиш қўлингдан келмаса, ўрмонга кирма.

*“Тарих муҳрлаган сўзлар”*

*****

Бобонг улуғ инсон бўлган бўлса-да, агар сен ҳеч ким бўлсанг, бундан нима фойда?!

*“Тарих муҳрлаган сўзлар”*

*****

Етарлича босим остида нарсаларнинг ва инсонларнинг ҳақиқий маъдани зоҳир бўлади.

*Маҳмуд Ироқий*

[ SAVIYA.UZ ]. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Сайтдан маълумот олинганда ёки бошқа сайтларга жойлаштирилганда сайт номи ҳаволаси билан кўрсатилиши шарт!

“Бобонг улуғ инсон бўлгани билан сен ҳеч ким бўлсанг, бундан нима фойда?!”

*****

Агар шакл ва жисм руҳдан муҳимроқ бўлганида, руҳ самога кўтарилмаган, жисм эса тупроқ остига кўмилмаган бўларди.

*“Фикр дурдоналари”*

*****

Фақат сирингни сақлайдиган, айбингни яширадиган, яхшиликларингни ёядиган, солиҳ амалларга чорлайдиган киши билан дўст бўл!

*“Фикр дурдоналари”*

*Интернет материалларидан тўплаб, таржима қилувчи*

***Нозимжон Иминжонов***

*muslim.uz*

[ SAVIYA.UZ ]. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Сайтдан маълумот олинганда ёки бошқа сайтларга жойлаштирилганда сайт номи ҳаволаси билан кўрсатилиши шарт!